БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 26 (4125)
1 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ТЎҚИМАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИ УЧУН МАШИНАЛАР

«Таштекстильмаш» ишчиларидан юздан ортиқ киши шахсий беш йиллик планини бажариб бўлди. Коммунистик шанбалик кунида яна 400 дан кўп машинасоз шундай муваффақиятга эришганлиги тўғрисида рапорт беради. Ленинча вахтанинг илғорларидан слесарь М. Қулибоев, автоматчи И. Қоратоев, темирчи К. Қосимов ва бошқалар ўз ўртоқларига мурожаат этиб, Ильич туғилган кунинг 110 йиллигини юксак унумдорлик билан нишонлашга чақирдилар. «Қизил шанбалик» куни камида ўнта тўқимачилик машинасини ясаш мўлжалланмоқда. Шулардан учтаси йил бошидан бери тежалган металл, электр энергияси ҳисобига тайёрланади. Коллектив тўқимачилик машиналари учун 150 минг сўмлик ҳар хил деталларни ҳам ясаб беради.

Шонли анъанага кўра, ҳозир ҳордиқ чиқараётган завод ветеранлари ҳам 19 апрелда меҳнат вахтасида турадилар. Завод бошқармасининг юзлаб ходимлари территорияни ободонлаштириш билан шуғулланадилар, цехлар ёнидаги хиёбонга мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказадилар, гулзор барпо этадилар.

(ЎзТАГ).

Илҳомбахш меҳнатимиз— доҳий юбилейига

• Ташаббус қулоч ёймоқда

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

«1980 йилни ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантирамиз!» — шаҳримиздаги 7 автобус паркининг меҳнатсевар коллективи шу кунларда ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқда. Бу ерда шуни айтиш керакки, корхонада биринчи бўлиб Собиржон Азизов бош бўлган бригада ана шундай қимматли ташаббусни бошлаб берди. Ташаббуснинг қаноти бўлади, деганлардек, С. Азизов бригадаси бошлаган ҳаракат тез орада автопаркнинг бошқа бригадалари ўртасида ҳам кенг ёйилди.

Собиржон Азизов бригадаси ўтган йили ҳам юксак меҳнат кўрсаткичларини қўлга киритган эди. Бригада аъзолари 1979 йил топшириғини 19 декабрда бажаришиб, пландан ташқари 5 минг сўм фойда беришган эди. Эришилган ана шу ютуқларни 1980 йилда янада мустаҳкамлаш бригада аъзоларининг эзгу ниятидир. Улар шу кунларда ишни ўзаро мусобақа асосида олиб боришяпти. Жумладан, улар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, тўрт ойлик топшириқни юбилейгача бажаришга, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада оширишга қарор қилдилар. Бригада аъзоларининг бу ташаббуси автопарк-нинг бутун коллективини ҳам янги меҳнат зафарларга илҳомлантириб юборди.

Тошкент асбобсозлик заводининг 11-цехида давлат Сифат белгиси билан ноёб деталлар ишлаб чиқарилади. Ушбу фотолавҳада ана шу деталларни сифатли тайёрлаб, коллектив ютуғига муносиб ҳисса қўшиб келаётган илғор ишчилар— мастер Т. Тўрақулов (чапдан-ўнгга), силлиқлов-чи Т. Содиқов ва созловчи С. Исмонловлар акс этган.

М. Нуриддинов фотоси.

Йиллик топшириқ— муддатидан илгари

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ 2-ПАРДОЗЛАШ ТРЕСТИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛ УЧУН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПССнинг XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларига амалий жавоб бериш учун курашаётган 2-Пардозлаш трести коллективи 1980 йил учун зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилди.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишни такомиллаштира бориш, меҳнатнинг илғор методлари ва усулларини жорий қилиш, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш ҳисобига бир йилга мўлжалланган ўн миллион сўм ҳажмидаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш топшириғи 26 декабрда адо этилиб, йил охирига қадар планга қўшимча 115 минг сўмлик иш амалга оширилади.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги планда кўзда тутилганига 0,2 процентга ўстирилиши таъминланади.

Пардоз ишларида янги техникани, прогрессив технологияни жорий этиш, ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш орқали камида ўн минг сўмлик иқтисодий фойда олишга эришилади.

Камида ўнта рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 40 минг сўмлик иқтисодий фойда олинади.

Тежамкорлик режимини кучайтириш, материал ва ресурсларни яхши сақлаш туфайли 20 куб метр ёғоч тахта, 25 тонна цемент, 500 квадрат метр ойна иқтисод қилинади.

20 та бригада қурилишнинг хўжалик ҳисоби методида ишлашга ўтказилади. Объектларнинг 80 проценти яхши ва аъло баҳоларда, белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши таъминланади.

Меҳнат муҳофазаси қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни ошириш, техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидаларига эътиборни кучайтириш, қурувчиларни хавфсиз методларда ишлашга ўргатиш туфайли ишлаб чиқаришда шикастланишга барҳам берилади, бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади.

Социалистик мажбуриятлар бригадалар, бошқармалар ва трест коллективларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ФОНДИГА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи йил бошидан буён планга қўшимча равишда 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу тарзда тиқувчилар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш фондига дастлабки ҳисса қўшдилар. Бу ерда ҳар тўрт ишчидан бири байрамни беш йиллик планни бажариш билан кутиб олишга қарор қилди. Уларнинг ҳаммаси илғор тажриба мактабида ўқиди. Корхонада ана шундай мактаб ишлаб турибди. Тиқувчиларнинг ўқув программасида Алла Ким, Зинаида Ефремова ва бошқа чеварларнинг маҳорат сирларини ўрганиш кўзда тутилган. Бу пешқадамлар эркаклар кийим-кечагини тикиш технологиясини мукаммал ўзлаштириб, конвейерда ҳар қандай ишни нормативда кўзда тутилганидан тезроқ бажара оладилар.

Коллектив ленинча зарбдор вахтада туриб, ярим йиллик программани 22 апрелгача бажаришни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

УНУМДОРЛИК ОРТМОҚДА

Тошкент шаҳри қурилмши Бош бошқармасига қарашли 12-қурилиш трести 49-қурилиш бошқармасининг Ленин ордени кавалери Т. Самиров бошлиқ бригадаси аъзолари ой сайин қувончли зафарларни қўлга киритишмоқда.

Коллективда ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа қизғин тус олган. Бинокорлар иш вақти, материал ҳамда механизмлардан самарали фойдаланишмоқда. Шунинг учун кунлик топшириқлар 140—150 процентдан адо этилаётир.

Айни кунларда бригада «Халқлар дўстлиги» майдони комплексига кирувчи Олмазор микрорайонини бунёд этишга катта ҳисса қўшмоқда. А. Шоҳакимов, К. Ҳамидов, Ғ. Валиев сингари қурувчилар бригада эришаётган ютуқларга муносиб улуш қўшишмоқда.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ САРИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг умумий техника факультети биносида студентлар конструкторлик бюроларида яратилган энг яхши ишларнинг республика кўрик-конкурси очилди.

— Кўрик-конкурсда 15 та олий ўқув юрти қатнашмоқда. Жумладан Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари, Тошкент қишлоқ хўжалиги, политехника, автомобиль, тўқимачилик ва енгил саноат темир йўл транспорти инженерлари институтлари қатнашяпти, — дейди кўрик-конкурс ташкилий комитети раиси профессор Ф. Бадалов.— Конкурсга юзга яқин иш тақдим этилди. Булар орасида турли аппаратлар, қурилмалар, моделлар, чертежлар, технология схемалари бўлиб, амалда жорий этиш йўллари ва самарадорлиги кўрсатиб берилган. Студентлар яратган янгиликларнинг иқтисодий самарадорлигини шундан ҳам билса бўладики, ўтган конкурсда намойиш этилган экспонатларнинг ҳар бири 20—30, ҳатто 60—70 минг сўмлик иқтисодий самарадорликка эга эди.

Олтита энг яхши иш, жумладан, тўқимачилик ва автомобиль йўл институти студентларининг ихтиролари Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ кўрик-конкурсида намойиш этилди.

Кўрик-конкурсини ўтказишдан мақсад студентларни ижодий изланишга кенгроқ жалб этиш лойиҳа-конструкторлик ва илмий тадқиқот ишларида кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ф. МЎМИНОВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Руминия Социалистик Республикаси раҳбарларининг таклифига биноан 31 январь куни қисқа муддатли визит билан Москвадан Бухарестга жўнаб кетди.

● Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Лесото Короллиги ҳукумати тенг ҳуқуқлилик, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мустақилликни, территориал бутунлик ва миллий суверенитетни ҳурматлаш принциплари асосида дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш муддаосига амал қилиб, 1980 йил 1 февралдан бошлаб иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатишга ва элчихоналар даражасида дипломатия ваколатхоналарини айрибошлашга қарор қилдилар.

● 1980 йил 30 январда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-1154» учирилди.

Йўлдош ичида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Байрам либосида

Пойтахтдаги Манжара номли 175-мактабга жойлашган сайловчилар клуби байрам либосига бурканган. Мактабга кираверишда қизил алвонларга ёзилган «1980 йил 24 февраль — Советларга сайловлар куни», «Ҳамма сайловга!», «Бахт-саодат учун, тинчлик учун овоз берамиз!» шиорлар осиб қўйилган.

25/25-сайлов участкасининг раиси — Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Салимжон Юсупов 120 нафар агитаторга уларнинг сайлов олди қиладиган муҳим вазифалари ҳақида кўрсатмалар бермоқда.

Агитаторлар ва сайловчиларга махсус кенг ва ёруғ хона ажратилган. Навбатчи агитаторлар Совет сайлов системасининг демократияси тўғрисида қизиқарли материаллардан кенг фойдаланмоқдалар. Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан ишларни план асосида бажармоқдалар. Катта агитатор В. Ноздрев бошлиқ агитаторлардан Д. Жумашев, Х. Хўжакешев, Я. Медник, Р. Цой, В. Панкрашкинлар сайловчилар ўртасида ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириб юборишди.

Яқинда сайловчилар ва агитаторлар билан бўлиб ўтган қизиқарли суҳбатдан ҳамма мамнун бўлди. Шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг юрист-консульта н т и агитатор Л. Боботулаев СССР Конституцияси, маҳаллий Советларга сайлов тўғрисидаги қонун ҳақида суҳбат ўтказди.

Агитпункт хонасига келган сайловчилар зерикишмайди. Турли темада оммавий-сиёсий брошюралар, КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқи тексти, КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори ва сайловга оид бошқа материаллар қўйилган.

— Бу йил 24 февраль—Советларга сайловлар кунига ниҳоятда кўтаринкилик билан тайёрланяпмиз,— дейди катта агитатор В. Ноздрев.— Электр транспортчи активлар ва 175-мактаб ўқитувчиларидан ташкил топган агитаторлар коллективи ҳамжиҳатлик билан иш кўрмоқдалар. Ишчан агитаторларимиз уч мингдан зиёд сайловчиларнинг сиёсий активлигини оширишда барча шарт-шароитлардан самарали фойдаланмоқдалар.

Собир Раҳимов районидаги 23-ўрта мактабда жойлашган 46-сайлов участкаси нечқурунлари айниқса гавжум бўлади. Бу ерда турли мавзуларга бағишлаб савол-жавоб кечалари, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

СУРАТДА: ўқитувчи-агитаторлар кундалик ишларини алоҳида дафтарга қайд этмоқдалар.

Р. Альбеков фотоси.

• Саньат хабари

МАҲОРАТ КЎРИГИ

КЕЧА

пойтахтимизда ўзбек халқ чолғу асбоблари ва баян бўйича ёш созандаларнинг III республика конкурси бошланди.

Республикамизда халқ чолғу асбоблари ижрочиларининг маҳоратини ўстиришга катта эътибор бериляпти. Жумладан, ёш созандаларнинг конкурсларини ўтказиш анъанага айланди. Ўтган конкурсларнинг қатнашчилари эндиликда турли санъат даргоҳларида самарали меҳнат қилиб, музика ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлишяпти.

Навбатдаги республика конкурсида турли область ва шаҳарлардан келган 112 ёш созанда иштирок этяпти. Улар орасида Ўзбекистон Давлат филармониясининг ёш созандалари, маданият институти студентлари, Ҳамза номли музика билим юртининг ўқувчилари бор. Тошкент Давлат консерваториясининг 40 студенти ҳам конкурсга катта тайёргарлик кўрди.

Конкурс 7 февралгача давом этади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

КЕЧА

республика Билимлар уйида «Иоглар ҳақида ҳақиқат» мавзуидаги лекция билан «Фан ва XX-аср афсоналари» туркум лекциялари бошланди.

Тингловчилар ҳинд йоглари ҳақидаги қизиқарли афсона ва ривоятлар билан, замонавий медицинанинг уларга муносабати билан танишдилар.

Билимлар уйи коллективи яна бир неча мавзуда туркум лекциялар тайёрлади. Улардан бири Ўрта Осиёнинг буюк олими Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган. «20-аср хорижий романи» мавзуидаги лекциялар ҳам қизиқарлидир.

●

Львов политехника институтида таълим олаётган бир группа хорижий студентлар шаҳримизга келишди. Улар қишки каникулни Тошкентда ўтказишади.

Ҳозирги кунда Москва ветеринария академияси, Киев халқ хўжалиги институти, Одесса политехника институтида таълим олаётган хорижий студентлар ҳам пойтахтимиз билан танишишяпти. Улар саноат корхоналарига экскурсияларга беришяпти. Олий ўқув юртларининг студентлари, мактабларнинг ўқувчилари билан учрашувлар уюштириляпти. Хорижий студентлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, музей ва кўргазма заллари билан қизиқиб танишишяпти.

Шунингдек, Тошкентда таълим олаётган хорижий студентлар ҳам қишки каникулни мазмунли ўтказишяпти. Улар мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Одесса, Ерован, Кишинёв каби йирик шаҳарларига сафарга чиқишди.

БУГУН

«ГипроНИИполиграф» институти Тошкент филиалининг бир группа ходимлари Тольятти шаҳар босмахонасини лойиҳалаш ишларини тўла ниҳоясига етказдилар.

Лойиҳада кўзда тутилган нашриёт комплекси ишлаб чиқариш, газета —ротация ва редакция корпусларидан иборат бўлади. Тўрт қаватли ишлаб чиқариш корпусида барча замонавий қулайликлар яратилади. Ҳаво тозалаш ускуналари мўътадил иқлимни сақлаб туради. Ишчилар учун алоҳида дам олиш хоналари бўлади. Иккита юк лифти ишчиларнинг оғирини енгил қилади.

Шаҳар ва район газеталарининг редакциялари учун алоҳида бино қурилади. Бу ерда ошхона ва 170 ўринли мажлислар зали ҳам бўлади.

●

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-фабрикасининг 6-цехи коллективи янги моделдаги болалар пойафзалининг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди.

Болаларнинг янги нусхадаги пойафзали полиуретан пошнали бўлиб, хромдан тайёрланяпти. Цех коллективи баҳорги—ёзги мавсум учун яна бир янгилик— кичкинтойлар сандалетлари нусхасини тайёрлади. Бадиий кенгаш томонидан маъқулланган ана шу буюм ҳам яқин кунлардан оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланади.

●

Куйбишев районидаги «Юлдуз» маданият уйи қошидаги «Камалак» болалар клуби қатнашчилари кичкинтойларнинг севимли шоири Қ. Муҳаммадий билан учрашувга йиғилишди.

Учрашув доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланди. Гулдасталар билан кутиб олинган таниқли шоир болаларга Ўзбекистон шоирларининг доҳий юбилейига қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида сўзлаб берди. Кичкинтойлар ўз навбатларида Қ. Муҳаммадийнинг ва бошқа шоирларнинг В. И. Ленинга бағишланган шеърларини ўқиб беришди.

●

Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари эксперименталь заводининг уч хил буюмига давлат Сифат белгиси берилди.

Давлат аттестация комиссияси томонидан юқори баҳоланган темир-бетон қозиқ ва тўсинлар корхонада фахрли беш қиррали белги қўйилган дастлабки буюмлардир. Комиссия корхонада ишлаб чиқариш маданияти гоят юксалиб бораётганлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

ЭРТАГА

Чилонзор районидаги 3-маданият уйида «СССР граждани бўлиш олий бахт» мавзуида оғзаки журнал уюштирилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларга сайловларга бағишланган ана шу тадбир қатнашчилари «СССР гражданларининг бурч ва вазифалари» мавзуидаги лекцияни тинглашади. Маданият уйи бадиий ҳаваскорлари В. Маяковский ва бошқа шоирларнинг Совет кишисини шарафловчи шеърларини ўқиб беришади. Ватанпарварлик мавзуидаги қўшиқларни ижро этишади.

Февралда об-ҳаво қандай бўлади?

Ўтган январь ойида Тошкентда ва пойтахт областида ҳарорат ва ёғингарчилик миқдори нормага яқин бўлди. Тоғларда эса ёғингарчилик бирмунча кўп бўлди. Одатда январь йилнинг энг совуқ ойи ҳисобланади. Февралда эса кунлар бироз исий бошлайди. Бу ойнинг ўртача ҳарорати январдагига қараганда иккиучдараж юқори бўлади. Бу йил ҳам февраль об-ҳавоси нормага яқин келиши кутилади. Совуқ кам тушади ва қисқа муддатли бўлади. Кечалари кўпроқ 2 даража совуқ, 3 даража иссиқ ўртасида, кундуз кунлари 4—9 даража иссиқ бўлади. Айрим кунлари термометрнинг симоб устуни 10—15 даража иссиқни кўрсатади. Совуқ тушган кунлари эса кечаси 6—11 даража совуқ, кундузи 0—5 даража иссиқ бўлади.

Ойлик ёғингарчилик миқдори нормага яқин бўлиши кутилади. Ой давомида баъзан ёмғир ёғиши ва совуқ тушган кунлари қорга айланиши мумкин.

Ўрта Осиё регионал гидрометереология маркази хабар қилади.

●

телетайп лентасидан

● ПРАГА. Бу йил Чехословакия пойтахтидаги архитектура-тарихий ёдгорликларни тиклаш учун қариб 300 миллион крон маблағ ажратилди. Бу ёдгорликлар орасида Старамест майдонида ўрта асрларда бунёд этилган Тин бош черкови, дастлабки гишт иморатлар, XI асрда қурилган Анеж монастири, Прагаграддаги бир қанча қадимий иморатлар бор. Мамлакатдаги биринчи саҳна — Прага миллий театри тез суръатлар билан реконструкция қилинмоқда. Бу бинонинг олд томонини тиклаш билан бир вақтда энг янги саҳна ускуналари ўрнатилади.

Ҳозирги вақтда Чехословакия пойтахтида қариб 80 та қадимий ёдгорликлар реставрация қилинмоқда.

● ЛОНДОН. «Дейли миррор» газетаси Англия турмалари хизматчилари ўртасида бўлаётган порахўрликни фош қилди. Газета, жумладан Садбере шаҳрида (Дербишер графлиги) яшириш синдикат борлиги, бу синдикатга махбуслар ҳам, турма ходимлари ҳам кирганлигини хабар беради. Жиноятчилар қоровуллардан гиёвандлар, алкоголь ичимликлари сотиб олганлар, шунингдек турмадан бир неча соат чиқиб кетиш имкониятига эга бўлганлар.

Матбуот Лондон полициячилари ўртасидаги порахўрлик тўғрисида хабар бермоқда. Жумладан Скотланд — Ярднинг иккита махфий ходими пора олиш билан шуғулланганлиги учун қамоққа олинди. Пойтахт полицияси амалдорлари билан ашаддий ўғрилар ўртасида воситачилик қилган икки жиноятчи ҳам қўлга тушириди. Кейинги бир ярим йил ичида Скотланд— Ярднинг махфий жосусларидан 8 киши порахўрликда айбланиб қамоққа олинди.

● НЬЮ-ЙОРК. Нью-Хейвен шаҳрида (Коннектикут штати) «Олин корпорейшн» компанияси меҳнаткашларидан 1.350 кишининг забастовкаси ғалаба билан тугади. Олти ой давом этган каттиқ кураш натижасида улар ўз талабларининг қондирилишига эришдилар. Жумладан корхона эгалари забастовкани ташкил этганлик учун ишдан бўшатилган активистларни яна ишга қабул қилишга мажбур бўлдилар.

● ДЕҲЛИ. 1979 йилда Ҳиндистондан 7,2 миллиард рупиялик қиймат баҳо тошлар ва зарғарлик буюмлари экспорт қилинди. Бу эса илгариги йилдагига нисбатан анча кўп. Чет эл.ларга олмос, қимматбаҳо ва қимматли тошлар, марварид, олтин ва кумушдан ясалган безаклар сотиш анча кўпайди.

● ЖАЗОИР. Жазоир ҳукумати мамлакатнинг ғарбидаги Иссер ва Секнак дарёлари водийларини ўзлаштириш учун 90 миллион Жазоир диноридан кўпроқ маблағ ажратди. Бир неча минг гектар ерда мевали дарахт кўчатлари ўтказилади, гидроиншоотлар қурилади. Бу иншоотлар атрофдаги кооператив хўжаликларга оби ҳаёт келтиради. (ТАСС).

• *Коммунистнинг шахсий намунаси*

ТАЪЛИМ САВИЯСИ—ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Пропагандистн н г сермазмуи, илҳомбахш сўзларинҳ машғулот тингловчилари ҳузур билан тинглашди... Ҳар гал шундай бўлади. Тажрибали пропагандист А. Холмуродов машғулотни маroқли олиб боради.

Машғулотлард а г и ҳар бир мавзу бўйича қўшимча докладлар ўқиш ҳам кўзда тутилган. Факультет партия бюроси бу масалани атрофлича муҳокама қилиб, ҳар бир пропагандистнинг билими, малакаси ва қизиқишини ҳисобга олиб, ҳал қилди. Жумладан, ўзбек мактабларида рус тили кафедраси катта ўқитувчиси, коммунист А. Холмуродовнинг навбатдаги мавзу бўйича мазмунли суҳбатини эслатиб ўтдик.

Бу факультет бошланғич партия ташкилоти ишининг бир қирраси бўлиб, ўқув снёсий маориф шахобчаларидаги ўқувни маroқли ва серзавқ ташкил этган. Юзга яқин ўқитувчи ва институт ходимлари қатнашган ўқув ўзига хос ғоявий чиниқиш мактаби бўлянти.

Факультет партия бюроси ишларини ташкил қилишдан тортиб снёсий-тарбиявий ишларгача — барча масалага қизиқади. Партия бюроси аъзоси, доцент Х. Ғуломов партия ташкилоти топшириғини бажонидил бажармоқда. Бюро составига еттита кафедранинг коммунистлари сайланишган.

Факультет партия ташкилоти, ўқув-ўқитув ишларининг барча соҳаларига актив таъсир кўрсатмоқда. Жойларда кўнгилли халқ дружиначилари ишини уюштириш, студентларнинг ободонлаштириш ишларидаги активлигини ошириш, уларнинг оммавий-маданий ишлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бунда партия ташкилоти факультет комсомол комитети, касаба союз ташкилотига катта ёрдам бермоқда. Партия бюроси ўз йиғилишларида мазкур ташкилотлар ишини атрофлича муҳокама қилиб, йўл-йўриқлар бермоқда. Натижада студентлар ўртасида комсомол ва касаба союз активистлари фаолияти тобора жонланмоқда.

Маълумки, студентлар таълими ва тарбияси унинг пухта ташкил қилиниши, уларнинг мустақил иш олиб боришига ҳам боғлиқдир. Тажрибали педагог-олимлардан Г. Косенкова, С. Солиев, И. Ҳакиев, К. Улаева, И. Абдураҳмонов ва бошқа коммунистлар ҳам студентлар ўртасида катта тарбиявий ишлар олиб боришяпти.

Партия Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисидаги қарори муносабати билан таълим-тарбия самарадорлиги ва сифатини ошириш борасида комиссия тузилди. Коммунист А. Старцева комиссия раисидир. У ҳар бир фаннинг сифатли ўқитилиши устида иш олиб бораяпти.

Бир ярим мингдан ортиқ студентни юқори малакали педагог-кадрлар қилиб етиштириш ҳамиша партия ташкилотининг диққат марказида турибди.

К. НОРМАТОВ.

Яқинда штатсиз фотомухбир И. Глауберзон Тошкентдаги «Геологоразведка» заводида бўлиб, коллективнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бир нечта фото суратлар олиб қайтди. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада корхонанинг пешқадам токари Саъдулла Маҳсумов тасвирланган. Шу кунларда 1982 йил ҳисобига меҳнат қилаётган бу пешқадам ишчи доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги. ни меҳнатда катта муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олишга аҳд қилган.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАБЛАР

Республика қишлоқ хўжалигини юксалтиришда Қўйлиқдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи ишчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда қишлоқ хўжалиги машиналарининг двигателлари, 40 тоннали босимга эга бўлган кучли гидропресслар, насос қурилмалари ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади ва ремонт қилинади.

Агар корхона коллективи ўтган беш йилликда 23,4 миллион сўмлик иш бажарган бўлса, ўнинчи беш йилликда 40 миллион сўмлик иш бажаришга аҳд қилган. Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ коллектив ўз зиммасига юксак мажбуриятлар олиб, унум билан меҳнат қилмоқда.

Корхонада ўтган йили меҳнат унумдорлиги ўсиб, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Бунда аввалгиларга беш йиллик илғорларининг ҳиссаси катта бўлянти. 35 ишчи ҳозирги кунда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, слесарь Тоҳир Мирзаев, слесарлар И. Зиков, А. Губанов, қуювчилар Р. Равченя, И. Головколов кунлик топшириқларини ортиғи билан бажариб, 1982—84 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Улар қўлидан чиқаётган двигатель ва гидропресслар яхши баҳога қабул қилинянти.

СССР Давлат мукофотининг лауреати, Улуғ Ватан урушининг ветерани, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Юсуфжон Маҳмуджонов ёшлар билан бир сафда ишлаб, 1983 йил ҳисобига маҳсулот бермоқда. 22 йилдан бери токарлик касбини эъзозлаб келаётган Юсуфжон ака билан ёнма-ён тер тўкаётган токарь Андрей Полев ҳам 1984 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бу устоз ишчининг Б. Отаметов, Э. Каримов, Н. Зинатов каби шогирдлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳам яхши баҳога қабул қилинянти.

Заводда тайёрланаётган маҳсулотлар қардош мамлакатларга ҳам экспорт қилинянти.

Толмас билакли завод ишчи ва хизматчилари маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга, қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтирмоқдалар. Ўтган йили Тошкент ва Жиззах областларининг Коммунистик, Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Пахтакор районларига катта оталиқ ёрдами кўрсатилди. Тўрт райондаги 63 та тракторнинг двигатели сифатли ремонт қилиб берилиб, эҳтиёт қисмлар билан таъминланди. Чорвачилик комплекслари, машина-трактор устаҳоналари учун материаллар етказиб берилди.

Оҳангарон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» чорвачилик комплексида завод коллективининг оталиқ ёрдами туфайли 3 йилда маҳсулот етиштириш бирмунча кўпайди. Ҳозирда бу ерда 11500 бош чорва моллари боқилиб, йилига 4 минг тонна гўшт етиштирилмоқда.

Пахта йиғим-терими мавсумида Пахтакор районидаги Ульянов номли совхозга махсус ремонт группаси юборилди. Слесарь ва пайвандчилардан иборат бўлган бу группа терим агрегатларини сифатли ремонт қилиб бериб турди.

Тажриба ремонт-механика заводи ишчи ва хизматчилари доҳимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига ўзаро мусобақани кучайтириб, юксак социалистик мажбуриятлар олиб меҳнат қилмоқдалар.

Ҳа, корхона йил сайин юксалиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб боряпти, янги-янги цехлар, линиялар қурилянти. Коллектив беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам салмоқли меҳнат ютуқларини қўлга киритади.

И. РУСТАМОВ,
М. РАҲМАТОВ,
жамоатчи мухбирларимиз.

ҚИШЛОҚҚА — СЕРУНУМ ТЕХНИКА

Деҳқонни ўйлаб

Узбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ишчилари беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: корхона 4-цехи илғор йигувчи-слесари, коммунистик меҳнат зарбдори Э. Раҳимовни кўриб турибсиз.

Қ. Исоков фотоси.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

УСТА ДУРАДГОР АҲДИ

«Главташкентстрой» Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармасида Ҳамдам Мирзааҳмедовни ҳурмат қилишади. У 18 йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб, ўз касбини ёшларга ўргатиб келаётибди. У ТошМИ шаҳарчасидаги янги шифохонанинг 5, 6, 7-даволаш корпуслари, ТошДУнинг янги факультети, Собир Раҳимов районидаги 234, 236-мактаблар ҳамда бир қатор болалар боғчалари қурилишида фаол меҳнат қилган. Ҳ. Мирзааҳмедов сергайрат, ўз бахтини меҳнатдан топганлардан.

Устанинг ўғли Раҳматжон ҳам Совет Армияси сафидан қайтиб келиб, ота изидан бормоқда. У ҳам дурадгорлик касбини пухта ўрганиб олиб, ўз тенгдошлари қаторида ўнинчи беш йиллик планини доҳимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги кунигача бажаришга сўз берган.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, уста дурадгор Ҳ. Мирзааҳмедов ва унинг фарзанди шу кунларда зўр ғайрат билан ишлашмоқда.

Н. РИХСИЕВ.

ЛУҚМА

ЙЎЛОВЧИЛАР РАНЖИШДИ

27 январь куни кечқурун соат саккизларда «Болалар дунёси» магазини ёнидаги бекатда 18-троллейбусни 35—40 минутдан ортиқ кутдик. Ниҳоят 30-40-номерли троллейбус келиб тўхтаб, ҳайдовчи йўловчиларни олдинги эшикдан тушира бошлади. Кун совуқ, тумонат йўловчилар орасида ёш болали кишилар, кексалар бор. Ҳамма ўртадаги ва орқа эшикнинг очилишини бетоқат кутишмоқда. Аммо эркатой шофер бунга парво ҳам қилмайди. Барибир минг текширгани билан ҳаммаларнинг билети бор экан. У эса эски билетларни йиғиш билан овора. Бир амаллаб троллейбусга чиқиб олдик. Ҳайдовчи ҳар бекатда шу қилиғини такрорлаб кетаверди.

Йўловчиларнинг жаҳли чиқиб унинг исмини сўрашди. Аммо у айтмай, одамларга дўқ-пўписа қилди. Ахир бу ноинсофлик эмасми? Одамлар вақтини ўғирлаётган, давлат транспортидан ҳамённи қаппайтириш учун фойдаланаётган бундай ҳайдовчиларга Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси раҳбарлари нега индашмайди. Бу ҳам етмагандек, кечқурунлари барча троллейбус маршрутларида машиналар сони жуда камайиб кетмоқда. Биз бошқарма раҳбарларидан тегишли жавоб кутамиз.

Йўловчилар номидан:
А. НАБИХЎЖАЕВ,
пенсионер.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

УЙСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

«Жилстрой» трестига қарашли «Ташросстрой» қурилиш бошқармасида Анвар Холиқов прораблик қилаётган қурувчилар коллективини ҳурмат билан тилга олишади. Азамат бинокорлар Тошкент шаҳри аҳолисини турар жой билан таъминлашга катта ҳисса қўшишмоқда.

Шу кунларда аҳил коллектив «Марказ—17» кварталида бунёдкорлик ишларини олиб бораётир. Объектларда меҳнат юксак кўтаринкилик ва омилкорлик билан амалга оширилмоқда.

«Марказ—17» кварталидаги 23-уйда бунёдкорлик ишлари тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Худди шу ердаги 21, 22-уйларда қурилиш-монтаж ишлари тугалланиб, куни-кеча фойдаланишга топширилди.

— Азамат қурувчиларимиз беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш ниятида ишлаб, ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар, —дейди прораб А. Холиқов. Сифатга ҳам алоҳида эътибор бериляпти.

«Марказ—18» кварталида қурилаётган 28, 29, 30-уйларда ҳам қурилиш ишлари шижоаткорлик билан давом этмоқда. А. Каблов, А. Аблякимов, Д. Солиҳов бошлиқ бригада аъзолари ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилмоқдалар. Бу бригадаларнинг К. Шестаков, А. Абдуҳолиқов, А. Шастин, С. Потапов, К. Камолов, Л. Романов сингари бунёдкорлари бошқарманинг машъаллари саналади. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларни бажариш ниятида зўр ғайрат ва шижоат билан иш олиб боришмоқда.

Э. НОРБЕКОВ,
И. ОЧИЛОВ.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ТАРАДДУД

Ўзбекистон гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш республика бошқармаси коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу тадбирлар орасида бошқарма территорияси ва унинг атрофини янада ободонлаштириш ишларига муҳим аҳамият берилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган ҳашарда бошқарманинг 50 дан ортиқ ишчи-хизматчиси иштирок этди. Шу куни территория ҳар томонлама намунали ҳолга келтирилди, 7 тоннадан ортиқ темир-терсак тўпланиб, «Вторчерметга юборилди.

Бошқарма ишчи-хизматчилари кўклам келиши билан манзарали ва мевали дов-дарахтлар ўтқазиш ишларини ҳам бошлаб юборадилар.

Н. ЗУПАРОВ,
ишчи.

... МАҚТАЙДИ ...

ИЛҒОР МАРШРУТ

«Пахтакор» метро станцияси ва Шумилов станцияси оралиғида қатнаётган 116-автобус хизматидан йўловчилар мамнун. Бу маршрутда хизмат қилаётган 3-автопаркнинг И. Исмоилов, К. Саидов, Т. Султонов, Т. Миржалилов, С. Холиқов каби илғор ҳайдовчилари графикка қатъий риоя қилиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга муҳим аҳамият бермоқдалар.

— «Коммунистик меҳнат зарбдорлари» бўлган бу илғор ҳайдовчилар ҳозир 1983 йил ҳисобига ишлашмоқда,— дейди 3-автопарк 2-автоколоннасининг бошлиғи Ўринбой Мирзаев.

Бу маршрут хизматидан Шумилов станцияси, Қорақамиш массиви, Охунбобоев колхозининг аҳолиси ҳам мамнун.

Т. СУЯРОВ,
Узбекистон телестудияси ходими.

... ТАКЛИФ ЭТАДИ ...

ҲАЙКАЛЛАР — ШАҲРИМИЗ КЎРКИ

Шаҳримизнинг ҳар бир районида қанчадан-қанча ҳайкаллар бор. Аммо ана шу ҳайкалларни вақти-вақти билан артиб ёки ювиб турилмаса бўлмас экан. Тўғрисини айтиш керак, айрим хиёбонлардаги ҳайкал ёки ёдгорликларга ёз бўйи қаралмаганн шундоқ сезилиб турибди. Навоий кўчасидаги Адабиёт музейи, Фрунзе, Калинин, Беруний майдонларидаги ҳайкаллар шулар жумласидандир.

Реклама чироқлари ҳам шу аҳволда.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси раҳбарлари бунга аҳамият берса, мақсадга мувофиқ бўлардк.

С. ҒАФУРОВ, ишчи.

... ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ЎНҚИР-ЧЎНҚИР КЎЧА

Тезлик билан келаётган машинани кўрган йўловчилар ўзларини ҳар тарафга уришди. Машина сачратган кўлмак сув бу сафар уларга етмади. Акмал Икромов районидаги Шароф кўчасига кириб қолсангиз ана шундай манзарага дуч келасиз.

Бу кўчага қачон сон киради? Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармасидагилар кўчани қачон ремонт қилишиб, асфальт ётқизишади?

Л. ҲАМИДОВ,
пенсионер.

• *Элга хизмат—олий ҳиммат*

СИФАТЛИ РЕМОНТ ҚИЛИНМОҚДА

7-техника хизмати кўрсатиш станцияси ходимлари асосан Улуғ Ватан уруши ветеранларига берилган «Запорожец» енгил автомашиналарига техника ремонти кўрсатиш ишларини бажаришади. Бу коллектив ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили планларини 21 июлдаёқ бажариб, аҳолига мўлжалдагидан 796 минг сўмлик кўп техника ремонти кўрсатдилар. Уларнинг бу йилги режалари янада улкан. Коллектив зиммаларига олган юксак мажбуриятларини барвақт адо этиш учун ҳозирданоқ кўлгина тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўнинчи беш йиллик— сифат ва самарадорлик беш йиллиги эканлигини ҳисобга олган станция ходимлари аҳолига техника хизмати кўрсатиш турларини мунтазам кўпайтириб боряптилар. Бўёқдан чиққан машиналарни қуритиш участкасининг ишга туширилиши бундан яққол далолатдир. Шунингдек, яқинда 11 та машинага мўлжалланган пост ишга тушди. Бу машиналарнинг ремонтда туриш муддатини қисқартириш имконини берди.

Станцияда 7 кишидан иборат сифат комиссияси тузилган бўлиб бу назоратчиларга шахсий тамға берилган. Улар сифатини текшириб, қилинган иш аъло даражада бажарилган бўлса тамға босадилар.

Станцияда илғорлар сафи ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Автослесарлардан И. Исмоилов, электрчилардан Г. Беликов, слесарь-мотористлардан А. Абрамов ва Ж. Зокировалар ўнинчи беш йилликнинг июль ойи ҳисобига ишлаяптилар. III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени кавалери Абдурашид Қурбонов эса 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Станцияда янги ташкил этилган комсомол-ёшлар участкалари аъзолари ҳам ўзаро социалистик мусобақада бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ГАЗЕТА ТАРҚАТУВЧИ

Тонгги газеталарни қабул қилишга тайёр турган киоска ходимлари «Союзпечать» экспедиторини ҳар тонг интизор бўлиб кутишади. Октябрь район «Союзпечать» бўлимининг экспедитори Ҳасан Каримов ҳам кўп йиллардан бўён ҳар тонг шаҳримизнинг марказий кўчалари ва гавжум жойлардаги газета-журналлар киоскаларига тонгги газеталарни ўз вақтида етказиб беришга ошиқади.

Ўз касбига ихлос қўйган Х. Каримов хизматидан унга бириктилган 19 та киосканинг барча сотувчилари хурсанд. Ишчан ва ҳаққон, ўз касбининг устаси бўлган Х. Каримовнинг хизматлари «Союзпечать»нинг Октябрь район бўлими томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Ҳ. ЛАТИПОВ,
ишчи.

Коммунист Нурия Носирова 20 йилдан бери Тошкентдаги Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келади. У бошчилик қилаётган участка аъзолари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги кунигача ўнинчи беш йиллик планни бажаришга аҳд қилишган. Ваъдага вафодор тикувчилар шу кунларда вақтдан ўзиб ишлаб, сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот топшириш мақда.

СУРАТДА: участка мастери Нурия Носирова пешқадам тикувчи-мотористка Муҳайё Худоёрова билан иш устида.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. ДАДАБОЕВ: Бронлаштирилган турар жойдан фойдаланиш ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Турар жойни ижарага олувчи халқ депутатлари маҳаллий Советига қарашли ёки давлат, кооператив ёҳуд жамоат ташкилотига қарашли уйдаги ўзи учун бронлаштирилган турар жойни броннинг амалда бўлиш муддати давомида, махсус шартнома тузиш йўли билан бошқа шахсга ижарага қўйишга ёки бу жойга вақтинча яшовчиларни жойлаштиришга ҳақлидир.

Агар бронлаштирилган турар жойда, номига брон берилган гражданнинг оила аъзоларидан биронтаси туриб қолган бўлса, ижарага олувчи турар жойни фақат бу оила аъзоларининг розилиги билангина амалга ошириши мумкин.

* * *

М. ЖАББОРОВА: Комиссион магазин томонидан қабул қилинган ашёларнинг баҳоси қандай белгиланади?

Жавоб: Комиссион магазин қабул қилиб олган ашёнинг сотилиш баҳоси ўзаро келишиш бўйича белгиланади, аммо тегишли товарлар учун белгиланган давлат чакана нархларидан ошмаслиги керак.

Антиқа ва ноёб ашёлар ҳамда санъат асарларининг сотилиш баҳоси махсус нархнаво бўйича комиссион магазин томонидан белгиланади.

Агар комиссион асосларда сотиш учун қабул қилинадиган товарларга давлат томонидан белгиланган чакана нархлар бўлмаса бундай товарлар комиссион магазин директорининг комитент билан келишуви бўйича шу товарларга ўхшаш маҳсулотларга белгиланган прейскурант нархларда сотиш учун қабул қилинади.

* * *

В. НОЗИМОВ: Судлов ишларида шахсий кафилликка кимлар ўтиши мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал Кодексининг 36-моддасига кўра, шахсий кафиллик шундан нборатки, бунда ишончга сазовор бўлган шахслар айблануви ўзини тегишли тартибда тутади ва суриштирувчи шахснинг, терговчининг, прокурорнинг ҳамда суднинг чақириши билан етиб келади, деб кафил бўлиб, ёзма тилхат берадилар. Кафилларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Шахсий кафиллик тўғрисида тилхат олинганда, кафил бўлувчи кишига эҳтиёт чораси кўрилганда ишнинг характери айтиб берилиши лозим.

* * *

Р. РАҲИМОВ: Сочида «Ўзбекистон» санаторийси бор, уни ўзбекистонликлар қурган деб эшитдим. Илтимос, менга ўша санаторий ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Дарҳақиқат, Сочининг кўркам ва хушманзара жойларидан бирига «Ўзбекистон» санаторий комплекси қурилган. У 350 кишига мўлжалланган. 15 қаватли бинода бир ва икки кишилик хоналар, кенг, ёруғ, танца, томоша заллари, ошхона, даволаш корпуси ва бошқа бир қатор хизмат хоналари жойлашган. Дам олиб, даволанувчилар учун зарур барча шарт-шароитлар ҳозирланган.

Бу иншоот лойиҳасини яратишда тошкентлик меъморлардан Д. Латипов, Б. Усмонов, қурувчи инженерлардан А. Жуҳунин, И. Соин иштирок этган. Уни бадиий безашда Ўзбекистон ССР халқ рассомлари, СССР Давлат мукофоти лауреатлари Ч. Аҳмаров, М. Усмонов, рассомлардан А. Кедрин, Н. Иброҳимов фаол иштирок қилганлар.

Ҳ. Мукуласиз, Мукуласиз

АЙБ ТЕЛЕФОНДАМИ?

Ғафуржон 22 январь куни кечқурун қишлоққа муҳим хабарни етказиши зарур бўлиб қолди. Ишдан қайтаётиб, 67-алоқа бўлимидан телефон суҳбати учун талон сотиб олди. Уйга келиши билан қўшнисининг уйидан шаҳарлараро телефон станцияси — 07 га қўнғироқ қила бошлади. Телефончи қиз анча уринишлардан кейин трубкани кўтарди.

— Заказ қабул қилинди,—деди у. — 51-номер қабул қилди.

Бу пайтда соат 18 дан 45 минут ўтган эди. Ғафуржон ўзича бугунги техникага таҳсин ўқий бошлади. «Қандоқ маза, бир зумда 500 километр наридаги қадрдонларинг билан бемалол гаплашасан. Бу ҳам XX аср мўъжизасида».

У хаёл суриб ўтирган эди, қўшниси ҳовурини босиб қўйди.

— Бемалол ўтираверишингиз мумкину, лекин буёғини айтиб қўяй. Ҳалеганда, улаб беришмайди. Хотиржам уйга чиқаверинг. Чақиришса, ўзимиз хабар қиламиз.

Ғафуржон уйига чиқиб кетди. Ҳар ярим соатда қўшнисиникига мўралаб қўяди. Орадан бир соат, икки соат, борингки, уч соат ўтди. Соат 21 дан 30 минут ўтганда, унинг тоқати тоқ бўлди. Нима бўлганини билиш учун 05 га қўнғироқ қила бошлади. Ишонсангиз-ишонмасангиз роса эллик мартача телефон қулоғини бураги. Аммо ярим соат мобайнида ҳеч қандай натижа чиқмади. Ё узун-узун гудок бўладию, ҳеч ким трубкани кўтармайди, ёки телефон уланиши билан кимдир қулоғининг тагига тарсаки қўйгандек трубкани ташлаб юборади. Ғафуржон тоқати тоқ бўлиб, қўшнисидан узр сўради-да, уйига чиқиб кетди. Орадан яна аллақанча вақт ўтди. У энди умидини узиб, ечина бошлаган эди, қўшнисининг ўғли уйқули кўзларини ишқалаб чиқиб қолди.

— Чопинг, Яккабоғга улашди.

Ғафуржон яна қўшнисиникига югурди.

— Яккабоғни заказ қилганмидингиз?— деди телефончи қиз,— Ҳозир гаплашасиз.

Ғафуржон трубкани ушлаб турибди. Телефон мембрамасидан гоҳ ғувиллаган, гоҳ вишиллаган товуш эшитилади-ю, ҳеч балонинг тайини йўқ. Улганнинг устига тепгандек, телефончи қиз ора-чора сўраб қўяди.

— Қалай, гаплашиб бўлдингизми?

— Нимани гаплашаман? Балони ҳам гаплашганим йўқ!— деди Ғафуржон ҳафсаласи пир бўлиб. Шу тариқа телефонни қулоққа тутганча, ярим соат «мушук-сичқон» ўйнашди. Ниҳоят, ҳе йўқ— бе йўқ, тунги соат 11 да алоқани узиб қўя қолишди.

Асаблари таранг тортилган буюртмачи қўшнисининг телефон китобига ёпишди.

— Менга смена бошлиғи керак,— деди жаҳл билан.

— Смена бошлиғининг ўринбосари Рустамованинг қулоғи сизда.

— Телефончиларингизнинг қулоғи қаёқда?— деди буюртмачи асабийлашиб.— Тўрт соатдан буён қўшнимникида ўтирибман. На 05 жавоб беради, на справочник жавоб қилади! Устингиздан шикоят қиламан!

Ҳар қалай бу гап таъсир қилдими, бу гал унга жуда мулойим муомала қилишди.

— Керак бўлса, бир минутда улаймиз.

— Кераги йўқ!—деди буюртмачи ранжиб. —Энди фойдаси йўқ. Қўшнимнинг болалари ухлаяпти. Ярим кеча бўлди. Бир камим уларни яна безовта қилишми?

У трубкани ташлаши билан телефон яна жиринглади.

— Марҳамат, Яккабоғ билан уладик.

Буюртмачи ҳайратдан ёқасини ушлаб қолди. Наҳотки, тўрт соатдан буён уланмаган лаънати телефон бир минутга қолмай уланса. У чор-ночор қишлоқдагилар билан гаплашди-ю, эртасигаёқ редакцияга хат ёзиб юборди.

«Мен бир нарсага қатъий ишондим,— деб ёзибди 22 январь куни Яккабоғ билан гаплашган буюртмачи Ғ. Муҳаммадиев.— Айб телефонда ҳам, линияда ҳам эмас экан. Телефончилар алоқанинг ёмонлигидан шикоят қилишар эди. Мен бунга ишонмайман. Агар улар хоҳласа алоқа ҳам, техника ҳам, линия ҳам балодек ишлар экан. Назаримда ҳамма гап шаҳарларароро телефон станциясидагиларнинг масъулиятсизлигида. Менимча улар иш буёқда қолиб, бир-бирларига чўпчак айтиб ўтиришади. Бўлмаса, тўрт соатда уланмаган алоқани бир минутда улаш мумкин бўлмас эди».

Шикоятчининг фиккрига қўшилиш керакка ўхшайди. Шаҳарларароро телефон станциясидагилар бир-бирига нима чўпчак айтишиб-ю, буюртмачиларнинг асабини нима билан қақшатишини алоқа министрлигидаги ўртоқлар бир суриштириб кўришса, ёмон бўлмайди. Эҳтимол телефончилар уларга ҳам тушини айтиб беришар.

ҲУШЕРБЕК.

Тошкент тарихидан 100 лавҳа

ФОНАРЛАР ҲАҚИДА

46-лавҳа

Кечки пайт кўчага чиқдим. Ҳали қоронғи тушганича ҳам йўқ, ёруғ ҳам эмас, кунининг шундай бир ноаниқ вақтики, ҳамма нарсанинг сояси йўқолган, кўчалар чироқсиз, осмонда юлдузлар кўринмайди. Қуёш ётоғига яшириниган, Ой эса ҳали кўринганича йўқ...

Бу дақиқа кўп давом этмади. Кўчалардаги фонарлар ёқилиб, қоронғулик чекинди. Бу фонарлар квартиралардаги лампочкалар сингари бирдан ёнмади, аввалига милтиллаб турди, оқарди, кейин эса қизара бошлади. Чироқлар бирин-сирин ёқилиб, ярақлаб борарди. Ниҳоят бутун атроф мовий нурга чўмилди. Уфқ ортидан кўтарила бошлаган Ой ҳам ана шундай чароғон кечада ердаги чироқларнинг гўё акси бўлиб осмонда жилваланар эди.

Бу чироқлар кечиккан йўловчиларни уйларигача кузатар, хиёбонларни чароғон этиб, тонг отгунча шаҳарни ёритар эди... Фонарларнинг нури кўчалардаги қуюқ дарахтларнинг шох-шаббасига ўтириб ажиб манзара касб этган. Бу чироқлар майдонлар, хиёбонлар узра нурафшон денгиз ҳосил қилган... Шаҳарнинг тунги қиёфаси ана шундай нурафшон ва гўзал бўлиб товланади. Анҳор қирғоғидаги хиёбонни, Ленин номли хиёбонни ана шу сунъий қуёшчаларсиз тасаввур этиб кўринг-а?

Тунги Тошкент кўчалардаги фонарларсиз жуда ҳунук кўринади. Айниқса, осмонўпар баланд бинолар тун қўланкасида баҳайбат бўлиб сўққайиб қолади. Уларнинг ҳуснини очадиган ҳам мана шу чироқлардир.

Бугунги туннинг нурафшонлигини тасаввур қилиш учун ўтмишга назар ташлаб ўтиш жоиздир. Юз йил муқаддам ўша даврнинг замондоши Тошкент ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «... Эски шаҳарда бирорта ҳам фонар йўқ...» Ана ўша пайтда Россия марказий шаҳарларнинг кўчалари спирт-скипидарли ва керосинли фонарлар билан ёритилган. Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида Петербургдаги Нева проспектида газли ёритгичлар пайдо бўлган. Петербург шаҳридан келганлар у ердаги Адмираллик минорасини академик Б. Якобий ихтиро қилган электр лампочка ёритиб турганлигини ҳикоя қилиб беришди. Кўзни қамаштирувчи бундай ёруғликни ҳатто Тошкентнинг жазирама саратонидаги офтоб нури билан ҳам таққослашган. Ўша пайтда шаҳарда Павел Николаевич Яблочковнинг номи ҳеч кимга маълум эмасди. Ваҳоланки, Европада уни рус Прометейи деб аташарди. 1876 йилда Лондонда бўлиб ўтган жаҳон физика асбоблари виставкасига келувчилар диққатини янги, жуда ҳам оддий ёритиш манбаи — чироқ жалб этди. Ташқи кўринишидан бу чироқ оддий шамга ўхшаган, лекин ана шу шам электр токидан қувват олиб ёнган ва оддий шамга нисбатан 400 марта кўп ёруғлик таратган. Унинг ихтирочиси рус инженери Яблочков бўлган. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирига келиб Яблочков электр фонарларининг ёрқин нури Европа, Осиё, Американинг энг йирик шаҳарлари кўча ва майдонларини ёритган.

«Россиядан бизга чироқ келяпти...» — деб Ғарбий Европа мамлакатларининг газеталари мўъжиза чироқ ҳақида ҳайратланиб ёзишган. Яблочковнинг ўзи эса ўша пайтда бундай деб ёзган: «... Электр ёритиш бутун жаҳон бўйлаб, ҳатто Эрон шоҳининг саройи ва Камбоджа қиролининг саройини ҳам ёрита бошлади».

Ана ўша пайтда Осиёнинг энг эътиборсиз қолган Тошкент шаҳри қандай манзарада бўлган? Қош қорайиши билан шаҳарни зим-зиё қоронғулик қоплаган. Ёлғиз қолган йўловчи ана шундай пайтларда шаҳарнинг тор кўчаларида чамаси пайпаслаб юришга мажбур бўлган. Бундай жин кўчаларда ҳатто кундузи ҳам адашиб қолиш турган гап эди. Фақат 80-йилларнинг охирига келиб у ер бу ерда, марказий кўчаларда, савдогарлар ва саноатчилр, таниклн амалдорларнинг дарвозалари олдида фонарлар пайдо бўла бошлаган. Ниҳоят 1905 йилда Тошкент ҳокимлари шаҳарни ёритиш ёмон аҳволда қолганлигига эътибор беришга мажбур бўлишган. Шам билан ёритиладиган пиликли коптилкалар ўрнига керосинли фонарлар ўрнатилган. 1907 йилнинг 7 январида бундай фонарларнинг сони 208 та бўлган. Шулардан биттаси (ҳа бор йўғи бир дона бўлган) эски шаҳарга ўрнатилган.

Янги шаҳарни эски шаҳар бозори билан бирлаштирувчи Шайхонтоҳур (ҳозирги Навоий кўчаси) қоронғулик тушиши билан у ер бу ерда чироқлари ёнадиган эски шаҳардаги дастлабки кўча бўлган. Шундан кейин Чигатой, Кўкча кўчаларига чироқ ўрнатилган. Фонарчилик хўжалиги секин-аста ривожлана бошлаган. Керосинли фонарлар ва уларнинг ашқолларини тузатиб берадиган устахона ҳам бўлган. Кечқурун ёритиш мудири (ўша пайтда шаҳар маҳкамасида ҳозиргича ўхшаш шундай лавозим бўлган) шаҳарни айланиб юрган, фонарларнинг ишлашини кўздан кечирган.

Тошкент фонарлари алоҳида гўзаллиги билан ажралиб турмаган. Улар шунчаки қора чироқлар бўлиб, фақат генерал-губернаторнинг Оқ уйдаги қароргоҳида ўзгача чироқлар ўрнатилган. Баланд ёғоч устунларга жимжимаси чиройли чироқлар ўрнатилган.

Қуёш қорайиб, шаҳарга тун қўланкаси ўтириши билан хира фонарлар ёритилган. Уларнинг ёруғи шунчалик хира бўлганки, бу нурда кўчаларни шунчаки чамалаб билиш мумкин эди. Шаҳарнинг марказий қисмида ёритиш воситалари электрли сигнализация йўли билан, қолган катта қисмида эса фонарларни махсус фонарчалар қош қорайиши билан ёқишган ва эрта тонгда ўчиришган.

40-йилларнинг охирида ҳар оқшом Тошкентнинг кекса фонарчиси Кузин шаҳар кўчалари бўйлаб айланиб, чироқ ёқиб юрган. Унинг кичкинагина от-аравасида керакли ашёлар ортилган. Аравада ёзнладиган нарвон, қирқталик эҳтиёт лампочкалари, узун таёқ бўлган. Фонарча бу таёқ билан рубильникларни ёққан. У бино олдига келиб рубильникни шақиллатиши билан кўчада сариқ чироқ ёнган. Шундан кейин яна йўлини давом эттирган. Тошкент фонарчалари эллигинчи йилга қадар шундай ишлашган. Уруш йилларида «қирқталик»ларни 500 ваттли кучли лампалар билан алмаштиришди. 1959 йилда ҳозирги «Зарафшон» ресторани қад кўтарган жойда биринчи марта «кундузги» чироғ — люминнисцентли лампа ўрнатилган.

«Кундузги» чироқлар деб аталган люминнисцентларни кўпчилик йигирманчи асрнинг самараси деб атайди. Лекин улуғ рус олими М. В. Ломоносов бундай чироқларни яратиш мумкинлигини анча илгари кўрсатиб берган. У биринчи марта газлардан электр токи ўтказилганида нур пайдо бўлишини ўрганган.

XIX асрнинг охирларида ихтиро қилинган ана шундай лампаларнинг дастлабки намуналарини газ чироқлар деб аташган. Бундай деб номлаш ҳозиргача сақланиб қолган. Тошкентдаги кўпгина биноларнинг пештоқига ўрнатилган ранг-баранг реклама трубкаларини кўз олдимизга келтирайлик. Газ чироқлар худди ана шулардир.

Карл Маркс кўчасининг муюлишида ўрнатилган бундай чироқни тошкентлик фонарчилар «гитара» шаклида ясашган. Бу лампанинг оддийларига қараганда анчагина устунлиги бўлган, у кўп нур таратган, электр қувватини кам сарфлаган. Шундан кейин Карл Маркс, Навоий, Богдан Хмельницкий кўчаларида ана шундай «кундузги» чироқлар ўрнатилган.

Шаҳар ёритиш идорасида гаройиб фонарлар музейи бор. У ерда шаҳар кўчаларини ёритаётган чироқларнинг ранг-баранг намуналари жамланган. Бу ерда симобли лампаларни ҳам, яқиндагина келтирилган жуда ҳам майин ва кўп ёруғ берадиган натрийли чироқларни ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари хиёбонлар, боғларга файз қиритадиган, майдонларнинг фусункорлигини очадиган хилма-хил чироқларни ҳам кўриш мумкин. Ҳар оқшом Тошкент узра 70 мингдан ортиқ чироқ ёқилади. Газ чироқли рекламанинг юз минг погон метрли чироғи ва 77 минг иллюминацияли лампалар бу ҳисобга кирмайди. Кекса фонарчи Кузиннинг от араваси қантариб қўйиладиган ўша барак ўрнида шаҳар ёритиш идорасининг катта корхонаси жойлашган. Эндиликда бу ерда аравалар ўрнида ўнлаб ихтисослаштирилган автомашиналар, оддий рубильниклар ўрнида автоматлаштирилган марказий диспетчерлик пульти ишлаб турибди.

Шаҳарга ҳар оқшом қоронғулик қўниши билан кўзга кўринмас фонарчи афсонавий тезликда кўчалар бўйлаб ўтади ва сеҳрли таёқчаси билан устунлардаги чироқларни ёқиб кетади. Бу чироқлар аввал милтиллайди, секин-аста қувват олиб, нурафшон ёруғини кучайтиради. Улар тонг отгунча шаҳарни нурга буркайди.

А. ТЮРИКОВ.

ФАН ОЛАМИДА НИМА ГАП?

ТОШКЎМИР ҚИММАТИНИ ЙЎҚОТМАЙДИМИ?

Ҳурматли редакция! Ҳозир фан ва техника ривожланган сари нефть, газ, водород каби қатор ёқилғилар асосий хом ашё бўлиб бормоқда. Агар келгусида яна бошқа ёқилғилар кўпаяверса, тошкўмир ўз қимматини йўқотиб қўядими? Тошкўмирдан нималар олиш мумкин, унинг асосий хосиятлари нималардан иборат? Шу ҳақда мақола ўқишни истайман.

Ш. МУҲИДДИНХЎЖАЕВ, кўн заводи ишчиси.

XX асрнинг йигирманчи йилларигача тошкўмир асосий ёқилғи манбаи эди. Нефть, йўловчи ва табиий газлар саноатда ишлатила бошлаши билан тошкўмир иккинчи ўринга тушиб қолган эди. Шунга қарамай, тошкўмир ҳозиргача ўз қимматини йўқотгани йўқ. Тошкўмир бензол, толуол, ксилоллар, нафталин, фенол каби қимматбаҳо бирикмаларининг асосий манбаидир. Тошкўмирни юқори ҳароратда ҳаво киритмай қиздириш натижасида кокс ҳосил қилинади. Кокс металлургия саноатининг энг асосий хом ашёси ҳисобланади.

Маълумки, тошкўмирни газга айлантириш жараёнида газлар ҳосил бўлади. Бу газлар совутилганда эса смола ҳосил бўлади. Бу смола миқдори уч процент атрофида бўлади. Тошкўмир смоласи химия саноатини хом ашё билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади. Тошкўмир смоласидан ҳозирги вақтда химия ва фармацевтика саноатларининг асосий хом ашёси ҳисобланган пиридин асослари олинмоқда. Профессор Д. С. Петренко маълумотларига кўра, тошкўмир смоласи таркибида пиридин ва хинолин асосларининг 70 дан ортиқ тури учрар экан. Пиридин асосларидан ҳозирги вақтда сил, юрак, қон-томир касалликларини даволашда ишлатилаётган PP витамини, фтивазид, кордиамин, роникол каби дори-дармонлар; оксидловчилар, агрессив воситалар таъсирига чидамли резина олишда ишлатиладиган мономерлар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатилувчи пестицидларни самарадор навлари ва бошқалар олинмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлатилувчи минерал ўғитларнинг бир қисми шу тошкўмир смоласидан олинади.

Техника тараққиёти тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги ҳамда нефть запасларининг ер шарида чегараланиб қолаётганлиги бутун дунё мутахассисларини ўйлантириб қўймоқда. Агар ўтган йил бошларида планетамиз автомобиль йўлларида 250 миллиондан ортиқ автомобиль ҳаракат қилган бўлса, 2000 йилга бориб уларнинг сони 2 марта кўпайиши назарда тутилмоқда. Шунга кўра, дунё кимёгарлари олдида иккита муаммо кўндаланг бўлиб турибди. Биринчиси, нефтни ёқиш керакми ёки йўқми? Агар ёқилса, автомобиль учун ер шардаги нефть запаслари неча йилга етади? Иккинчиси, аҳоли сони бундай ўсиб боришида уларни кийимкечак, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини табиий манбалар қондира оладими?

Мутахассисларнинг фикрларига кўра, 2000 йилга бориб кўпчилик тараққий этган мамлакатларда инсон овқат рационининг учдан бир қисмини синтетик озиқ-овқатлар эгаллайди. Нефтни биологик қайта ишлаб саноат қурилмаларида ҳозирги кунда синтетик оқсил олинмоқда. Нефтдан олинаётган синтетик толалар, пластик массалар, дори-дармонлар эса сон-саноқсиздир.

Хўш, нефтни ёқишдан кўра, уни химиявий қайта ишлаш мақсадга мувофиқ экан, ёқилғига бўлган эҳтиёж ниманинг ҳисобига қондирилади?

Маълумотларга кўра, тошкўмир запаслари нефтга қараганда бир неча ўн марта кўп. Шунинг учун кейинги вақтларда химия саноати юксак тараққий этган давлатларда тошкўмирни қайта ишлаб синтез-газ—водород билан ис газни аралашмасига айлантирилмоқда. Синтез-газдан эса жуда кўп турли-туман химиявий маҳсулотлар олиш мумкин. Тошкўмирнинг таннархи 2000 йилга бориб нефтникига қараганда 3—4 марта арзон бўлишлиги ҳисобга олинса, бу хом ашёнинг афзалликлари янада кўпроқ кўзга ташланади.

Ҳозирги вақтда катта ўлчамларга эга бўлган, 20 атмосфера босим, 1100 даражга иссиқликда ишловчи, тошкўмирни газга айлантирувчи газогенераторлар синовдан ўтказилмоқда. Бу газогенераторлар тез вақт ичида саноат миқёсида ишлай бошлайди. Бу қурилмалар ишга туширилиши билан кунига 1000 тонна метил спирти олиш имкониятига эга бўлинади. Аввалари АҚШ, Япония ва Европа мамлакатларида метил спирти олиш учун газ ва нефть хизмат қилган бўлса, 1950—1974 йиллар ичида буларни кўмирдан олишга мўлжалланган, кунига 1000 тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган 25 та янги завод ишга туширилди.

Метил спирти юқори октан сонига эга бўлган жуда қулай ёқилғи ҳисобланади. Бундан ташқари, метил спиртидан формальдегид, чумоли кислотаси, сирка кислотаси олиш мумкин. Булардан эса химия саноатида жуда кўплаб қимматли маҳсулотлар олинади. Кейинги йилларда лавсан толасини олишда муҳим хом ашё ҳисобланган этилен гликоль ҳам синтез газдан олинмоқда. Тошкўмирдан ҳосил қилинган синтез-газ реактив ёқилғи олишда асосий хом ашё бўла олади. 2,5 тонна тошкўмирдан 1 тонна атрофида юқори сифатли реактив ёқилғиси олиш мумкин.

Хуллас, ҳозирги вақтда бутун дунё кимёгарлари олдида нефть ва нефть маҳсулотларини қайта ишлаб олинадиган бирикмаларни тўла тошкўмир асосида олиш масаласи турибди. Тошкўмир бир неча ўн йиллар давомида химия саноатининг муҳим хом ашёси бўлиб хизмат қилган бўлса, эндиликда олимлар уни келажак химияси учун асос бўлади демоқдалар.

Планетамизда тошкўмир запаслари битмас-туганмасдир. Шунинг учун яқин йиллар ичида дунёдаги химия заводларини тошкўмир асосида ташкил этилиши илмий асосланган, ҳақиқатдан узоқ эмас.

Д. ЮСУПОВ,
химия фанлари кандидати.

Тошкент чинни заводи ҳаваскорлик театрининг аъзолари бўлган йигит ва қизлар ишдан бўш кунларида оқшом тушиши билан корхона клубининг мажлислар залида йиғилишади. Улар ўз қўллари билан саҳна декорацияларини чизишади, костюмлар тикишади, коллектив бўлиб жонажон коллективларининг ҳаётига бағишланган қўшиқлар ёзишади.

Ҳаваскор артистларнинг янги «Садоқат» постановкаси ҳам ана шу масалаларга бағишланган. Спектакль премьерасига келган корхонанинг юзлаб меҳнаткашлари уни самимий кутиб олдилар.

Ҳозир ҳаваскорлик группасининг репертуарида бир нечта спектакль бор. Уларнинг ҳаммасида ўтмиш қарқитлари, технинхўрлик ва бошқа камчиликлар танқид қилинади.

СУРАТЛАРДА: рассом Саидмурод Усмонов раҳбарлигидаги ҳаваскорлик театрининг репетициясида; рассомлар Саидмурод Усмонов, Ботир Назаров ва Саида Муродова «Садоқат» спектаклида.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН ТЎҒРИСИДА ЭСДАЛИКЛАР

«Ленин. Советлар мамлакатини бошқаришда» номли икки жилддан иборат асар В. И. Ленининг ҳаётига ва унинг Халқ Комиссарлари Совети Раиси лавозимидаги фаолиятига бағишланган. Биринчи китоб шу кунларда снёсий адабиёт нашриёти томонидан чиқарилди.

Бу асарда кўпгина ҳужжатли материаллар, шу жумладан Советлар мамлакати ҳаётида энг мураккаб ва қийин даврда Коммунистик партия йўлбошчиси, биринчи совет ҳукумати бошлиги-нинг фаолияти тўғрисида замондошларнинг хотиралари тўпланган ва системалаштирилган.

Китобда суратлар берилган ва у кўпчилик китобхонларга мўлжаллаб чиқарилган.

(ТАСС).

• Ўқув юртларида

ТЕХНИКУМ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КОНКУРСИ

Тошкентда ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг ижтимоийсиёсий мавзудаги ижодий ишлари Бутуниттифоқ конкурси иккинчи тури программаси асосида республика кўригги бўлиб ўтди. Жюри Ўзбекистоннинг барча областларидан тақдим этилган 200 дан кўпроқ ишни кўриб чиқди.

Конкурс якунлари техникумларнинг ўқувчилари ижтимоий фанларни ўрганишда юксак активлик кўрсатаётганлиги, ёшлар билимларни эгаллашга ижодий ёндашаётганлиги ва уларнинг билим даражаси ўсганлигини кўрсатди. Ўқувчиларнинг 24 ижодий иши Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ёрлиқлари билан тақдирланди ва якунловчи турда қатнашиш учун тақдим этилди. Республика конкурсининг лауреатлари қимматли совғалар билан мукофотландилар. Уларга чет мамлакатларга бориш учун туристик йўлланмалар топширилди.

ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ ОЧИЛДИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида янги илмий лаборатория очилди. Лаборатория алколлоидлар химияси кафедраси базасида ташкил этилиб, медицина полимерлари яратилиши ва уларнинг қўлланиши билан боғлиқ проблемаларни ўрганади.

— Фармакологияда полимерлар ҳозирча кам тадқиқ этилган соҳадир, дейди янги лабораториянинг мудири химия фанлари доктори, профессор У. Н. Мусаев. Ҳозирги вақтда ТошДУ химиклари физиологик жиҳатдан актив полимерлар яратиш соҳасида иш олиб бормоқдалар. Жумладан, артериал босимни тартибга солиб турадиган полимер бирикмалар синтез қилинди, турли шишларга қарши, сил касалликларига қарши препаратлар ва бошқа қимматли препаратлар олиш соҳасида тадқиқотлар ўтказилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДЎСТЛАРНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар ҳамкорлигида бунёд этилган яна бир қурилиш индустрияси корхонаси ишга тушди. Ханой ёнида темир-бетон конструкциялари заводи фойдаланишга топширилди. Бу мамлакатда халқ Польшасининг ёрдами ҳамда техникавий кўмаги билан қурилган ушу тармоқдаги энг катта корхоналардан бири ҳисобланади.

Тхиньлиет заводи ҳар йили 25 минг кубометрдан кўпроқ темирбетон ишлаб чиқара олади. Бу ерда шинингдек, панеллар ва бошқа бинокорлик материаллари қуриш йўлга қўйилди. Заводнинг маҳсулотидан Вьетнам пойтахтида уй-жой ва саноат корхоналари қуриш эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади.

Кемасозлар муффақияти

СОФИЯ. Болгарияда қуриладиган биринчи контейнер ташувчи кема ўзининг юксак даражада автоматлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Варнадаги кемасозлик институтининг коллективи шу кеманинг лойиҳасини тузиб бўлди. Кемада контроль қилувчи электрон система, шунингдек юк ортиш ва туширишпайтида кеманинг ҳолатини кузатиб турувчи митти компьютер монтаж қилинади. 14 минг тонна юк кўтара оладиган бу кемага 450 та контейнерни жойлаштирса бўлади.

Болгария кемасозлиги йил сайин янги-янги муваффақиятларга эришмоқда. 1990 йилгача шу тармоқни ривожлантиришнинг БХРда амалга оширилаётган программаси Варна, Бургас ва Русдаги ҳар уччала базанинг қувватларини кўпайтиришни назарда тутади.

Г. Дмитров номли Варна кемасозлик комбинати тўкиладиган юклар ташиш учун мўлжалланган 25 минг тонна ва 38 минг тонна юк кўтарадиган кемаларни кўплаб ишлаб чиқаришни давом эттиради. 60—70 минг тонна юк кўтарадиган кемалар қуришга киришади.

Болгар ва поляк конструкторларининг биргаликда тузган лойиҳалари асосида қурилаётган «юз минг тоннали» танкерлар Варна кемасозларининг ифтихоридир. Кемадаги учта лангардан ҳар бирининг вазни 13 тоннадан эканлиги бу танкерларнинг ҳажмини кўрсатиш учун кифоя қилади.

МУҲИМ ОМИЛ

ГАВАНА. Социалистик Куба темирйўлчилар кунини нишонлади. Марказий темир йўл тармоқлари оролнинг шарқ томонига қараб чўзилмоқда. Куба Компартиясининг I съездида шу темир йўлни реконструкция қилиш белгиланган эди. Бу йўл яқин орада юк ва пассажир ташишда асосий оғирликни ўз зиммасига олиши керак. Магистралнинг кўпгина участкаларида поездларнинг тез қатнови бошланди.

Бу қурилишни муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлганлиги учун Кубанинг БАМи деб атайдилар. Шу йўл қурувчиларнинг ўз совет ҳамкасблари — Байкал-Амур магистралини қураётган йигит ва қизлар билан бошлаган социалистик мусобақаси Кубанинг асосий темир йўлини реконструкциялаш ишларининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Темир йўл транспортини ривожлантириш ва унинг учун кадрлар тайёрлашда Кубага Совет Иттифоқи катта ёрдам бериб турибди.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

ДАМАШҚ. Сурияннинг бош денгиз дарвозаси Латакия порти кейинги йилларда Сурия Араб Республикаси учунгина эмас шу билан бирга бутун араб шарқи учун муҳим порт шаҳрига айланди. Ҳозирги вақтда Европадан шарқнинг кўпгина мамлакатларига, бу ердан эса Европа ва Африкага жўнатиладиган юкларнинг асосий қисми шу портга келтирилади.

Латакия порти ўтган йилнинг ўзидагина икки ярим мингга яқин савдо кемаларини қабул қилди. Бу кемаларнинг кўпчилик қисми Совет Иттифоқидан ва бошқа социалистик мамлакатлардан келаяпти.

Сурия ҳукумати Портнинг иш ҳажми ғоят кўпайганлиги муносабати билан унинг кемалар тўхтайдиган жойларини ва омбор иншоотларини янгилаш ва кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Реконструкциялаш лойиҳасини совет мутахассислари тузиб чиқдилар. Улар шу лойиҳанинг ижроси устидан инженерлик назоратини ҳам амалга оширадилар.

* * *

АНҚАРА. Аҳолиси 44 миллион кишидан иборат Туркияда юрак касалига гирифтор бўлган 4 миллионга яқин киши бор. Маҳаллий «Дейли ньюс» газетасининг ёзишича, Туркияда юрак-томир касалликларидан ўлганлар сони 20 процентга етди.

Мамлакатда тарқалган юрак ва ўпка касалликларига асосий сабаб—овқатнинг камлиги, меҳнат шароитининг оғирлиги, дори-дармоннинг етишмаслигидир.

* * *

ИСЛОМОБОД. Покистон пойтахти аҳолисининг ярмидан кўпи—қарийб 200 минг киши нормал уй-жой шароитидан маҳрум. «Мусулим» газетасининг уқтириб ўтишича, уй ижара ҳақининг ғоят қиммаллиги уй-жой муаммосининг кескинлашуви асосий сабабларидан биридир. Уйларнинг ижара ҳақи бир ойда 2 минг рупиядан ҳам ортиқ. Шаҳар аҳолисининг қуйи ва ўрта табақаларининг аҳволи айниқса аянчли. Уларнинг бир ойлик даромади 400 рупиядан 1000 рупиягача боради.

* * *

БАҒДОД. Ироқ Ғарбидаги территориянинг каттагина қисмини ташкил этган даштни ўзлаштириш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ бу ерда ирригация каналлари тармоқлари қурилади, суғориладиган ер шўрланишининг олдини олиш учун дренаж системаси барпо этилади. Сув чиқарилган ерларда 100 минг тупга яқин ҳар хил дарахт кўчатлари ўтказилади.

Давлат шу лойиҳанинг биринчи босқичини амалга ошириш учун 12 миллион динор ажратди.

ҒАЛАТИ САЁҲАТ

ДАКАР. Таниқли велосипед пойгачиси Року Фостен Африканинг Раунда шаҳридан ғалати саёҳат қилди. 25 яшар спортчи 28 ой мобайнида ўз велосипедида Африка қитъасининг қарийб бутун ғарбий қисмини босиб ўтди. Икки йилдан ҳам илгарироқ Кигалидан чиққан пойгачи ниҳоятда ёмон йўлларни Заир чакалакзорларини, Нигериянинг, Юқори Вольтанинг чексиз қумликлари ва ярим даштларини, Мали ва Сенегалдаги Саҳрои Кабир қумликларини босиб ўтди. Ғарбий Африка бўйлаб машаққатли саёҳатнинг сўнгги пункти Дакар бўлди.

ЯПОНИЯ. Атом ва водород қуролларини таъқиқлаш учун Умумяпон кенгашининг даъвати билан Токио, Нагоя, Саппоро ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида жамоатчиликнинг оммавий чиқишлари бўлиб ўтяпти. Улар қуролланиш пойгасига барҳам берилишини талаб қилмоқдалар.

СУРАТДА: Хиросима ва Нагасаки фожиасини бошидан кечирган кекса аёл атом бомбардировкасидан зарар кўрганларга ёрдам бериш ҳақидаги чақириқка имзо тўпламоқда.

Жапан Пресс-ТАСС фотоси.

Корхоналар синмоқда

НЬЮ-ЙОРК. АҚШда меҳнаткашларни кўплаб ишдан бўшатиш давом этмоқда. Резина ва резина буюмлар ишлаб чиқарадиган «Армстронг раббер» компанияси учта завод ёпилишини эълон қилди. Шунинг натижасида 1200 киши ишсиз қолади.

АҚШда автопокришка ишлаб чиқарадиган энг катта корхоналарнинг бири —«Юнироял» компанияси ўзининг бир қанча корхоналарини ёпмоқчи эканини эълон қилди. Уч мингдан ортиқ ишчи кўчага ҳайдаб чиқарилади.

БУ-ҚИЗИК

ТОК ФОТОСУРАТГА ОЛАДИ

Затвор босилиши биланоқ камерадан тайёр фотосурат чиқариб олинади.

—Бу олиб борган тадқиқотларимизнинг яқинол натижасидир,—дейди Латвия Давлат университети қаттиқ жисм физикаси илмий-тадқиқот институти лабораторияларидан бирининг раҳбари А. Лусис. — Олим пластинкаларнинг шаффофлигини ҳар сафар тиклаб, ундан кўп марта фойдаланиш мумкинлигини тушунтиргач, аппарат билан таниишини таклиф этади.

Олдимизда одатдаги сербар пленкали «Салют» аппарати турибди. Унинг кассетасигина бошқача ишланган бўлиб, ундан ток манбаига сим тортилган. Янгилик бирон эритма қўллашни талаб этмаслиги билан маълум фотография методларидан фарқ қилади. Унда сурат махсус қопламаси бўлган ойнага туширилади. Биринчи қоплама нур сезадиган, иккинчиси электрохроматик бўлиб, ўзгармас ток унга тасвирни туширади ёки туширилган тасвирни ўчиради.

Фотография — институтда ишлаб чиқилаётган истиқболли илмий йўналишдан амалда фойдаланишнинг биргина томонидир. Бу ерда ажойиб хоссаларга эга бўлган электрохроматик пленкалар олиш жараёнлари такомиллаштирилмоқда. Бундай пленкалар электр майдони таъсирида дарҳол тусини ўзгартириди, оқаради ёки қораяди. Шафофлиги ўзгартириб туриладиган бундай пленкаларни уй дераза ойналарига ва автомобиль ойналарига туширишмумкин, нур фильтри ва ўлчов приборларининг индикаторлари сифатида ишлатиш мумкин.

С. ШПУНГИН,
ТАСС мухбири.

• *Олий ўқув юртларида*

ЁШ МАТЕМАТИКЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида Тошкент шаҳри ва области мактаблари юқори синф ўқувчиларининг математика фани бўйича олимпиадасини ўтказиш анъана тусига кириб қолган. Яқинда бу ерда ёш математикларнинг навбатдаги мусобақаси бўлиб ўтди. Олимпиадада пойтахт ва области мактабларининг 120 дан зиёд аълочи ўқувчиси иштирок этди.

Мусобақа асосан икки босқичда ўтказилди. Биринчи тур иштирокчилари тригонометрик ва логорифмик даражалар ва бошқа мураккаб алгебра вазифалари бўйича синов бердилар. Иккинчи босқичда иштирок этган ўқувчилар математика бўйича мураккаб вазифаларни бажаришди.

Шундай қилиб, математика олимпиадаси ниҳоясига етди. Жюри аъзолари икки тур бўйича ўз билимини намойиш этган Акмал Икромов районидаги 106-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жасур Мирёқубовга биринчи ўринни берди. Қолган ўринларни эса Ленин районидаги 110-мактабнинг ўқувчиси А. Король, Акмал Икромов районидаги 4-мактаб ўқувчиси А. Юсупов, Чилонзор районидаги 103-мактаб ўқувчиси М. Гайсинский ва бошқалар бўлиб олишди. Фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчиларга бизнинг институтимизнинг дипломи ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Математика фани бўйича олимпиада ўйинларини ўтказишдан мақсад — ўқувчиларнинг математика фани бўйича билимларини чуқурлаштиришдан иборатдир.

Ш. ШОАФЗАЛОВ,
Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг «Олий математика» кафедраси катта ўқитувчиси.

Тошкент миллий чолғу асбоблари фабрикаси коллективи томонидан тайёрланаётган дутор, гижжак, рубоб, доира ва бошқа музика асбобларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Буни яхши тушунган фабрика ишчилари тайёрланаётган музика асбобларини сифатлилигига доимо эътибор бериб келишмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчилари Маъмура Қорабоева ва Мактуба Фатхуллаевалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

• *Сўраган экансиз*

Аччиқ қалампир фойдалими?

Кундалик овқатимизда баъзида аччиқ қалампир ишлатамиз. Баъзи кишилар эса уни кўп истеъмол қилади. Аччиқ қалампир фойдалими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ж. САИДОВА, Х. ҲИКМАТОВА, Л. НОРҚУЗИЕВАлар, уй бекалари.

Маълумки, қалампир ҳақида гапирганда, кўз ўнгимизда икки хил—аччиқ таъмли қизил қалампир ва хуштаъм «булғор қалампири» намоён бўлади. Аччиқ қалампир таркибида эфир мойлари булғор қалампиридагига нисбатан кўплиги сабабли унинг ҳиди ўткир. Булғор қалампирда эса аччиқ қалампирга қараганда витамин ва қанд моддаси 4—5 процент ортиқ бўлади. Ҳар икки қалампирда С, B_1, B_2, Р ва А витаминлари бор. Булғор қалампирда С, аччиқ қалампирда эса А витамини кўп бўлади. Шу ўринда А ва С витаминлари ҳақида қисқача маълумот берамиз.

А витамини организмнинг нормал ўсишига ва кўзнинг яхши кўришига ёрдам беради, шапкўрлик ва теринг пўст ташлашидан сақлайди. С витамини цинга касаллигининг олдини олишга ёрдам беради, организмнинг яхши ўсишига таъсир этади ва жароҳатларнинг битишини тезлатади.

Аччиқ ва булғор қалампирларида фитонцид моддаси бор. Бу модда турли зararли микробларнинг кўпайишига йўл қўймайди. Шу сабабли қалампирли таомлар ва консервалар узоқ вақтгача айнимайди.

Аччиқ қалампир таркибида капсанцин деган модда мавжуд. Шу модда аччиқ таъм ва кучли қитиқлаш хусусиятига эга. Бу эса аччиқ қалампирнинг озуқавий қимматини пасайтиради, саломатликка келтирадиган зararини оширади. Демак, аччиқ қалампирни муттасил истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун зararлидир. Афсуски, баъзилар аччиқ қалампирнинг зararини билганлари ҳолда, уни сурункасига истеъмол қилишади, аччиқ қалампирсиз овқат еёлмайман, дейишади. Иштаҳа йўқлигини баҳона қилиб муттасил аччиқ қалампир истеъмол қилувчилар орасида ошқозон шиллиқ қаватининг сурункали яллиғланиши, меъда, ўн икки бармоқ ичак яраси ва бошқа касалликлар билан оғриган кишилар кўп учрайди. Айниқса, ёш болаларнинг аччиқ қалампирга ўрганишларига асло йўл қўйманг.

Кундалик рўзғорда аччиқ қалампирга нисбатан анча афзал бўлган булғор қалампиридан фойдаланиш керак.

Тошкентнинг спорт майдонларида

«Меҳнат резервлари» спорт комплексида волейбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган аёллар командалари навбатдаги тур учрашувларини ниҳоясига етказишди. Бу ерда бўлган беллашувлардан кейин чемпионат медаллари учун кураш олиб борадиган олти команда аниқлаб олинди. Шуни айтиш керакки, Тошкентнинг «Автомобилист» командаси бу турда яхши ўйин кўрсата олмади. У дастлабки уч учрашувни бир хил—1:3 ҳисобида бой берди. Ваҳоланки, мутахассислар ҳам, тренерлар ҳам қизларимизнинг Тошкентда муваффақиятли қатнашишларини башорат қилишганди. Аёлида эса аҳвол бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Ҳамшаҳарларимиз якунловчи учрашувни Одесса шаҳрининг медицина институти командаси билан ўтказиб ягона очкони қўлга киритишди. Шу очко уларга совринли ўринлар учун кураш олиб борувчи командалар сафидан жой олишига шароит яратди.

* * *

Тошкентдаги Армия спорт клубининг сузиш ҳавзасида сув остида сузиш бўйича ўтказилган республика биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Баҳсларни юқори савияда ўтказган Тошкент областининг командаси умумий якунда биринчи ўринни эгаллади. Тошкентлик спортчилар эса иккинчи ўрин билан кифоялашишди.

* * *

Олмалиқ шаҳрида «Комсомолец Узбекистана» газетасининг соврини учун дзюдо кураши бўйича ўтказилган анъанавий VIII Бутуниттифоқ мусобақалари якунланди. Турнир кўпгина спортчилар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Беллашувларда 200 га яқин спортчи қатнашди. Бу спортчилар мамлакатимиздаги 26 шаҳарнинг вакиллари эди.

Барча учрашувлар муросасиз кураш вазиятида ўтди. Шуни айтиш керакки, бу ерда ҳам тошкентлик полвонлар муваффақиятли қатнашишдилар. Ҳамшаҳарларимиздан А. Қантеров, Ф. Азимов, В. Кухлевский, С. Чебатаревлар ўз вазн тоифаларида мусобақа шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Турнир голиблари СССР спорт мастери нормативини бажариш билан бирга «Комсомолец Узбекистана» газетасининг совринлари билан тақдирландилар.

ҲОДИСА

Ёнғин ўчирилди

Тунги соат 11 да шаҳардаги ёнғин алоқаси марказий пультида кетма-кет телефон жиринглаб қолди. «Ташэлектромаш» заводида ёнғин, асбобсозлик цехида кучли ёнғин чиқди...» деб хабар беришди навбатчига.

Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас бу ташвишли хабар бир пақтнинг ўзида бир неча оператив ёнғин бўлинмаларига ҳам етиб борди. Ёнғин чиққан жойга кетма-кет ўт ўчириш машиналари етиб келди. Экипаж аъзолари шошилинч равишда ёнғин билан курашга киришдилар. Ўт ўчирувчилар билан ёнма-ён корхона ишчилари ҳам жонбозлик кўрсатишди. Кишилар ва техниканинг куч-ғайрати туфайли ёнғин тўхатилди ва ўчирилди.

Кейинчалик маълум бўлишича, ёнғиннинг келиб чиқишига металл эритадиган гилвата печдаги металлнинг эриб, яқинда турган мой идишга сачраганлиги сабаб бўлган. Цех коллективи ҳамда ўт ўчирувчиларнинг тезкорлик билан қилган ҳаракатлари туфайли ёнғин ўчирилди, лекин у бироз зарар келтирди.

Ёнғинни ўчиришда ваққойлик ва мардлик кўрсатганликлари учун заводнинг 46 ишчиси ҳамда бир неча ўт ўчирувчилар қиймматбаҳо совғалар билан мукофотланишди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/II да **Бир актли балетлар**, 2/II да **Травиата**, 3/II да **Этик нийған мушук** (12.00), **Дон Кихот** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да **Томоша давом этади**, 2/II да **Қиёмат қарз**, 3/II да **Ганг дарёсининг қизи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/II да **Йиллар ўтиб**, 2/II да **Тўйдан олдин томоша**, 3/II да **Чоллар ва кампирлар**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да **Ишқ қурбонлари**, 2/II да **Отилмаган ўқ**, 3/II да **Тинмасин соз** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **янги программа. «УРҒАТИЛГАН БУҒМА ИЛОН ВА ТИМСОҲЛАР»** аттракционининг гастроллари.

КИНО

1 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НАЙРАМДАЛ — ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**

«ВОЛГА БЎЙИ» — **Нукус.**

«ҚОР МЎЪЖИЗАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Чайка** (18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон: 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 78-47-25), **Нукус** (18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон 46-70-69), **Қозоғистон** жавоб берувчи автомат телефон: 35-24-92), **Дружба** (18, 20.30, жавоб берувчи автомат телефон: 66-15-75), **Восток** (18, 20, 21.00, телефон: 91-14-61).

«ГАМЛЕТ» — **Искра** (17.00, 20.00).

2 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НАЙРАМДАЛ — ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**

«ВОЛГА БЎЙИ» — **Нукус.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Чайка** (11.30, 13.30, 16, 18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон: 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 78-47-25), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 46-70-69), **Қозоғистон** жавоб берувчи автомат телефон: 35-24-92), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.30, жавоб берувчи автомат телефон: 66-15-75), **Восток** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон: 91-14-61).

«ГАМЛЕТ» — **Искра** (17.00, 20.00).

Сергели район соғлиқни сақлаш бўлими 11-поликлиникасининг рецептлар ва касаллик варақаларига босиладиган йўқолган

УЧБУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент савдо-ошпазлик билим юрти томонидан **Халилов Пахриддин Мажитович** номига берилган 022426 номерли йўқолган

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Андижон область, Шаҳрихон шаҳридаги Ғафур Ғулом номли 3-ўрта мактаб томонидан **Ўразов Абдумалик Абдуваҳобович** номига берилган 176454 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲАМИША КЕРАКЛИ ҚАСБ

СОТУВЧИЛИК ОММАВИЙ ВА ҲАМИША ОДАМЛАРГА ЗАРУР КАСБЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ КЕЛГАН.

Бу касб ўз эгасидан инсонларга нисбатан ҳамиша меҳрибон ва ҳайриҳоҳ бўлишни талаб қилиш билан бирга меҳнат қўникмаси ва иш тажрибасини эгаллашни ҳам тақозо этади. Харидорларнинг кайфияти сотувчининг ҳаққонлик билан хизмат кўрсатишига янги чиқарилган бирор товар билан қизиқтира олиши ҳамда унинг афзалликлари ҳақида гапириб бера олишига ҳам боғлиқ, албатта.

ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАР! АГАР СИЗ СОТУВЧИ БЎЛИШГА АҲД ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ
47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА
ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

6 ойлик ўқиш давомида сиз хўжалик ва маданий-маиший моллар билан савдо қилиш касбини ўрганасиз.

Мактаб-магазин — савдо корхонаси бўлиб, унда таълим меҳнат практикаси билан қўшиб олиб борилади.

Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларга товаршунослик, савдода ҳисоблаш, савдони ташкил қилиш, савдо хизмати, савдо эстетикаси, психология, совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари бўйича лекциялар ўқийдилар.

Амалий машғулотларда эса ўқувчилар магазинда ишлаш учун керак бўладиган меҳнат кўникмаларини эгаллайдилар.

Мактаб-магазиннинг синфхоналари зарур ўқув-кўргазма қуроллари ва савдотехнология ускуналари билан жиҳозланган.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Мактаб-магазинга 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчи ўрта маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ўрта маълумот тўғрисида аттестат, паспорт, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси (агар бор бўлса), турар жойидан справка, 6х9 см. ҳажмдаги 2 та фотосурат.

Ўқишни битирганлар «Ташхозкультторг» магазинларида иш билан таъминланадилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Маълумотлар олиш учун 47-мактаб-магазинга қуйидаги адрес бўйича мурожаат этинг: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй (2, 3, 18, 34, 50, 54, 80-автобуслар, 7, 9, 4, 11, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон: 53-47-24.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

САВДОГА МАРҲАМАТ!

Модали кийим кийишни ёқтирамиз. Лекин кийимлар хилини, пойафзал ва бошқа кийимларни ҳамма вақт ҳам дид билан танлаб, келиштириб кия оламизми?

Ҳозирги мода жуда ранг-баранг. У кишиларнинг кийим-кечак қулай бўлишлиги тўғрисидаги асосий талабларини қондира олади.

Ҳақиқатда ҳам биз кўйлакларни кенг ва узун енгли қилиб тиктирамиз. Бундай либосда киши эркин ҳаракат қилади. Уни юпқа, ёқаси бўғиқ тўр кўйлаклар билан кийиш мумкин. Костюмлар эса шим, юбка, тўр кўйлак, нимча, камзулдан ташкил топади.

Платформа—қалин пошнали туфлилар ҳам назардан қолди. Чунки бундай пойафзал кийиш анча ноқулай. Ҳозир биз паст пошнали пойафзалларни мамнуният билан киямиз.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР,
БУГУН БИЗ СИЗЛАРНИ

«ТАШПРОМТОРГ»НИНГ 40-МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

СИЗ БУ ЕРДАН ГАЗМОЛ, ТРИКОТАЖ, ПОЙАФЗАЛ, ГАЛАНТЕРЕЯ ВА УПА-ЭЛИК ТОВАРЛАРИНИ ТАНЛАШИНГИЗ МУМКИН.

УЛАРНИ ТАНЛАШ СИЗНИНГ ДИДИНГИЗГА ВА ЕШИНГИЗГА БОҒЛИҚ.

ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ҲАММАБОП КИЙИМ — БУ, АЛБАТТА ТРИКОТАЖ.

Жун трикотаж буюмлар қишда иссиқ бўлади, ип-газламадан қилингани эса—енгил бўлиб, ёзда кийишга қулайдир. Трикотаж тижимланмайди, киши гавдасига ёпишиб туради. Уни тозалаш осон.

Трикотаждан тайёрланган буюмлар бизнинг давримизда замонавий кийимларнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Бизга кийим танлашда ўзининг кўриниши ва ўзига хос хусусияти билан ёрдам беради.

Бизнинг магазиндан ўзингиз ва болалар учун трикотаж буюмлар харид қилишингиз мумкин.

Сотувга мактабгача ёшда бўлган болалар учун костюмлар, кофталар, жемперлар, кўйлаклар, гамашлар, триколар, спорт костюмлари;

катталар учун—аёллар жакетлари, кофталари, эркаклар спорт костюмлари (бутунлай жундан, ярим жун), пайпоқлар (ип, жун ва жун аралаш) қўйилган.

ҲАММА УЧУН ПОЙАФЗАЛ

Туфлисиз костюм бўлмайди! Қиз-жувонларнинг шимли костюмлари ёки кўйлаклари албатта туфли билан яраширилиб, ярашиқлидир.

Пойафзал бўлимида —мамлакатимизда ва чет элларда тайёрланган хотин-қизларнинг туфлилари бор. Улар орасида энг модали бўлган тўғри паст пошнали туфлилар бор:

Қора амиркон (Югославия), баҳоси 47 сўм;

Қизил, очиқ (Югославия), баҳоси 48 сўм;

Яшил амиркондан (Югославия), баҳоси 45 сўм;

Шунингдек кузги туфлилар: оч жигарранг, ўрта пошнали (Чехословакия), баҳоси 30 сўм; тўқ қизил рангли, паст пошнали, баҳоси 27 сўм.

Биз эркакларга мамлакатимизда тайёрланган ботинка ва ярим ботинкаларни таклиф этамиз.

Айниқса болаларнинг хилма-хил пойафзаллари сотувга кўп қўйилган. Булар калта қўнжли этикчалар, ботинкалар, ярим-ботинкалар бўлиб, астари иссиқ матодан тайёрланган.

Қизлар учун этикчалар;

мактабгача ёшдаги болалар учун жун астарли ботинкалар, кигиз этикчалар ва ботинкалар.



Кигиз пойафзаллар айниқса қишнинг совуқ кунларида асқотади. Кигиз этикчалар қулай, юмшоқ, чиройли, совуқдан яхши ҳимоя қилади.

СУМКАСИЗ ЮРИБ БУЛАРМИДИ

Сумкалар биринчи бор яратилганда бир хил эди: кичкина халтача, оғзи бурмали. Кейинчалик аёллар чиройли сумканинг тезда ишқибози бўлиб қолишди.

Бугунги кунда аёллар ишга, магазинга сумкасиз бора олмайдилар, у билан командировкага, театрга борадилар. Аслида сумкасиз юриб бўлмас экан.

Галантерея бўлимида мамлакатимизда ва чет элларда табиий ва сунъий чармдан тайёрланган аёлларнинг қуйидаги сумкалари бор:

хўжалик, спорт, яримхўжалик;

портфеллар, чемоданлар.

ЕРҚИН, ЕНГИЛ ГАЗМОЛЛАР— БУЛАР— ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ШОЙИДАН ТЎҚИЛГАН.

Биз улардан нафақат ёзги либослар, шу билан бирга, байрамда кийиладиган чиройли кўйлаклар ҳам тиктирамиз.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, модали, гул солиб, бурма қилиб тикилган кўйлаклар ва блузкалар кишига жуда ярашади. Кўйлакни ҳар хил фасон ва формада тикиш мумкин.

Газмоллар бўлимидан—ранго-ранг табиий ва сунъий ипак-ликлар; гул солинган ва сидирға крепдешинлар, япон шойиси, хон атлас, шунингдек заангори, қизил, яшил, гунафша ранг астарлик матолар, қора сатин бор.

КИЙИМ ШУЛАРСИЗ КЎРИМСИЗ

Бугунги кунда биз иш ва байрам либосини аниқ фарқ қилмаймиз. Театргами, меҳмонгами, бирон бир кечагами кўпинча кундалик ишга кийиб юрган юбка, жакетда борамиз. Эҳтимол унга бирон-бир нарса қўшиб борилар, масалан, ялтироқ тўр кўйлакми ёки чиройли шарфми тақиб борамиз. Ёрқин гулли дуррача, гулдор рўмол шундай пайтларда жуда ярашиқлидир.

Галантерея бўлимидан сиз аввало чиройли дуррача, рўмол, шарф, жунли, жун аралаш, шойи, шифон, штапель харид қилишингиз мумкин.

Зонт, галстук, совға буюмлари, электр устараларини ҳам шу бўлимдан топасиз.

СУНГГИ ХУСУСИЯТ

ФРАНЦУЗЛАР, ҚИЗ-ЖУВОНЛАРНИНГ ЗЕБОЛИГИ БИР ТОМЧИ АТИРДА ДЕЙИШАДИ.

АТИР—ҚИЗ-ЖУВОНЛАР ПАРДОЗИНИНГ СУНГГИ НУҚТАСИДИР.

Улар қандай атирни маъқул кўришлари ўзларига боғлиқ. Оқ сариқ аёлларга енгил, хушбўй, қорамағизларга— ўткир ҳидли атирлар тавсия этилади. Бундан ташқари аёлларнинг ёши ҳам аҳамиятлидир.

АТИР ТАНЛАГАНДА БИЗНИНГ МАСЛАҲАТДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

У ёки бу атир Сизга ёқиш-ёқмаслигини бирданига ҳал қила олмайсиз. Чунки унинг асосий ҳиди орадан ўн-ўн беш минут ўтгач таралади.

Бир неча хил атирни бир йўла ҳидламанг. Учинчи ёки тўртинчи шиша атирдан сўнг уларнинг фарқини ажрата олмайсиз.

Ўрта ҳидли атирдан фойдаланинг: ўткир ҳидли атирдан кўп сепманг.

Бизнинг адрес: 2-Шимолий-Шарқ турар жой массиви.

Иш соатлари—10.00 дан 19.00 гача.

Танаффус —14.00 дан 15.00 гача.

ДАМ ОЛИШ КУНИ— ЯКШАНБА.

17, 71, 69-АВТОБУСЛАРДА 2-ШИМОЛИЙ-ШАРҚ МАССИВИ БЕКАТИГАЧА БОРИШ МУМКИН.

«ТАШПРОМТОРГ»

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.50 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Чин сеҳрли», Бадиий фильм. М. Горький номли киностудия. 1975 йил. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Москва шаҳри. 7-педагогика билим юрти хотин-қизлар хорининг концерти. 19.50 «Инсон ва қонун». 20.20 «Қиргоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Союзлар уйи Колонна залидан концерт. 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Давлат рус музейи, «XIX аср биринчи ярмидаги амалий санъат». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Хушчақчақ дўстлар». Мультфильм. 18.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». Узбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Д. Орифжонова билан учрашув. 19.15 «Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Телефильм. 20.00 «Оламда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 И. Охунбобоев номли Андижон музикали драма ва комедия театрининг солисти Н. Ҳамроқулов концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Жиноят». 1-фильм. 23.20 Эркин кураш бўйича халқаро учрашув. СССР — АҚШ. «Меҳнат резервлари» спорт комплекси залидан репортаж (ёзиб олинган). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

2 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «АБВГДейка». 10.35 «Қиргоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.45 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб бераймиз». 12.45 Литва ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Апанавичутенинг куйлайди. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 13.45 «Спортлото» тиражи. 14.00 СССР халқ артисти А. Попов А. П. Чехов ҳикояларидан ўқийди. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 Болалар учун «Оқ тиш» Москва илмий оммабоп фильмлар студияси. 1946 йил. 16.35 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.35 Мультфильмлар программаси: «Ростик ва Кеша», «Кичкинтой Гиппопотамнинг саргўзаштлари». 18.00 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 18.45 «Қалбга яқин қўшиқлар». 19.35 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.05 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. «Аср бошида». Бадиий фильм. «Мосфильм». 1961 йил. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Социалистик мамлакатлар бал рақслари IV Халқаро конкурси қатнашчиларининг кўргазмали чиқишлари (Москва). 23.00 «Бош тренер». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Экран». 23.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти. Дирижер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Некрасов. Кўрсатув тугагач (23.55)— Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программалари

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Қалбим ардоғи». Концерт. 10.45 «Узбекистон Олимпия йилида». Спорт программаси. 11.15 «Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун». (рус.). 11.45 «Театр ва замон». М. Уйғур номли Сурхондарё область музикали театрининг гастроллари олдидан. 12.45 М. В. Фрунзе туғилган кунининг 95 йиллигига. «Ўрток Арсений». Бадиий фильм (рус.). 14.10 «Буни ҳамма билиши ва удалаши керак». 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ғаройиб саргузашт. Мультфильм. 18.40 Бадиий гимнастика бўйича Узбекистон ўқувчилари терма командаларининг чиқиши. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение экранида биринчи марта «Жиноят». 2-фильм. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

«Металлобитремонт» комбинати коллективи 4-цех бошлиги

Шариф ТОҲИРХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультети коллективи университет ботаника боғи директорининг ўринбосари

Лутфулла ОДИЛХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

1 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р—07053 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64582 Нашр Б—2042.